XALQ DEPUTATLARI ELLIKQAL'A TUMANI KENGASHI QARORI

XALÍQ DEPUTATLARÍ ELLIKQALA RAYONLÍQ KEŃESINIŃ SHESHIMI

2021 - yil 30 - dekabr VI-35-76-13-194-K/21 Ellikqal'a tuman hokimligi

2022 йилги Элликқалъа тумани бюджетини тасдиқлаш тўғрисида.

Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 22 декабрдаги "2022 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида"ги ЎРҚ-738-сонли Қонунига. Эликқалъа тумани адлия бўлимининг 30.12.2021 йилги 9-сон ҳулосасига асосан туман молия бўлими бошлиғи М.Ю.Розумов томонидан тақдим этилган Элликқалъа тумани маҳаллий бюджетининг 2022 йилги белгиланган асосий параметрлари лойиҳасини тинглаб муҳокама қилиб ҳамда Ўзбекистон Республикасининг "Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида"ги Қонунининг 6 ва 24 моддасига мувофиқ

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1.Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 22 декабрдаги "2022 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида"ги ЎРҚ-738-сонли Қонунига асосан туман молия бўлими бошлиғи М.Ю.Розумов томонидан тақдим этилган Элликқалъа тумани маҳаллий бюджетининг 2022 йилги белгиланган асосий даромадлар ва харажатлар параметрлари лойиҳаси маълумот учун қабул қилинсин.

2.Элликқалъа тумани маҳаллий бюджети даромадларининг 2022 йилги прогноз кўрсаткичлари 1-иловага мувофиқ 151 046 842минг сўм миқдорида тасдиқланганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

3.Элликқалъа тумани маҳаллий бюджетидан 2022 йилги ажратиладиган харажатларнинг умумий чекланган миқдорлари 2-иловага мувофиқ 85 009 842минг сўм миқдорида тасдиқлансин.

4. Умумдавлат солиқларидан туман маҳаллий бюджетларига ажратмалар меъёри 3-иловага мувофиқ 100% белгилансин.

5.Қорақалпоғистон Республикаси бюджетидан туман маҳаллий бюджетларига ажратиладиган тартибга солувчи бюджетлараро трансфертлар миқдорлари 4-иловага мувофиқ 85 009 842минг сўм миқдорида тасдиқлансин.

Бунда, тартибга солувчи бюджетлараро трансфертлар миқдорини туман маҳаллий бюджети даромадлари прогнози ижроси ҳамда харажатлар ижросидан қатъий назар камайтиришга йўл қўйилмаслиги қонунда белгилаб қўйилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

6.2022 йил Элликқалъа тумани маҳаллий бюджетининг захира жамғармаси миқдори 5-иловага мувофиқ 1 424 970минг сўм миқдорида тасдиқлансин.

Элликқалъа тумани бюджетининг захира жамғармалари 2022 йилда тегишли бюджетлар умумий харажатларининг 1 фоизидан кам бўлмаган миқдорларда шакллантирилиши ва захира жамғармаларининг маблағлари кечиктириб бўлмайдиган ҳамда бюджет тизими бюджетлари шаклланишида олдиндан назарда тутиб бўлмайдиган харажатларни, шунингдек, ижтимоий-иқтисодий беқарорлик юзага келган вазиятларда амалга оширилиши зарур бўлган тадбирларни молиялаштириш учун ажратилиши қонунда белгилаб қўйилганлиги инобатга олинсин.

7.Элликқалъа тумани маҳаллий бюджетининг 2022 йил учун йўл қўйиладиган энг кам маблағлар миқдори 6-иловага мувофиқ 1 065 000минг сўм миқдорида тасдиқлансин.

8.Элликқалъа тумани маҳаллий бюджетининг 2022 йилги даромадлари ва харажатлари маблағларининг миқдорлари 7-иловага мувофиқ 151 046 842минг сўм миқдорида тасдиқлансин.

9.Туман хокимининг молия-иқтисодиёт ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича биринчи ўринбосари (Б.К.Алимов) ва туман молия бўлими бошлиғи (М.Розумов)ларга:

шаффофликни таъминлаш мақсадида, маҳаллий бюджетдан маблағ билан таъминланадиган бюджет маблағларини тақсимловчилар ҳар чорак якуни билан кейинги чорак биринчи ойининг 25-санасидан кечиктирмай тегишли расмий веб-сайтларига ўз тасарруфидаги бюджет ташкилотлари кесимида маблағлар тақсимотини, даврий молиявий ҳисоботларини, капитал қўйилмалар ҳисобидан амалга оширилаётган лойиҳаларнинг ижросини, ўтказилган танловлар (тендерлар) савдолари ва амалга оширилган давлат ҳаридлари ҳамда бошқа тегишли маълумотларнинг жойлаштирилиб борилиши юзасидан мажбуриятлар юклатилганлиги кўрсатиб ўтилсин;

давлат молиявий назорати органлари томонидан молия йили учун иш режаларини молия йилининг биринчи ойида ҳамда назорат тадбирлари натижаларига кўра аниқланган молиявий қонунбузилишлар ва ижобий натижалар бўйича маълумотларни ҳар чоракдан кейинги ойнинг 25-санасидан кечиктирмай ўз расмий веб-сайтларига жойлаштириб борилиши маълумот учун қабул қилинсин;

маҳаллий бюджетнинг қўшимча даромадларини 10 фоизидан кам бўлмаган (ортиқ бўлиши мумкин) миқдорларда жамоатчилик фикри асосида белгиланган тадбирларни молиялаштиришга маблағларни йўналтиришни, ўз расмий веб-сайтларига уларнинг натижаларини жойлаштиришни таъминласин;

туман маҳаллий бюджетининг қўшимча манбалари ҳисобидан харид қилинган товарлар ва хизматлар, қурилиш, реконструкция қилиш ва таъмирлаш ишлари олиб борилаётган объектлар рўйхати, шунингдек қурилиш-таъмирлаш ишларининг молиялаштирилиши тўғрисидаги маълумотлар ҳар чорак якунларига кўра, кейинги чорак биринчи ойининг 10 санасига қадар туман ҳокимлиги томонидан мажбурий тартибда ўз расмий веб-сайтларига жойлаштирсин.

10. Туман хокимининг молия-иқтисодиёт ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича биринчи ўринбосари (Б.К.Алимов) ва туман молия бўлими бошлиғи (М.Розумов)ларга:Халқ депутатлари туман Кенгашига тегишли равишда бюджет маблағларини тақсимловчиларнинг бюджет маблағларидан самарали ва ўз вақтида фойдаланилиши ҳамда эришилган натижалари бўйича йилига камида бир марта ҳисобот бериши белгилансин.

11. Туман хокимининг молия-иқтисодиёт ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича биринчи ўринбосари (Б.К.Алимов) ва туман молия бўлими бошлиғи (М.Розумов)лар:

бюджет даромадлар ва ҳаражатлар кўрсаткичларининг бажарилиши, солиқ базасини кенгайтириш ҳамда иқтисодий салоҳиятини ошириш юзасидан амалга оширилган зарур чора-тадбирлар, бюджет маблағларидан мақсадли ва самарали фойдаланиш устидан қатъий назорат ўрнатилиши учун тегишли маълумотларни Халқ депутатлари туман Кенгаши сессияларига киритиб борсин;

қонунда белгиланган айрим солиқлар ва тўловлар ставкалари, солиқ солиш тартиблари ва бошқа маълумотларни оммавий ахборот воситаларида ёритилишини таъминласин.

12.Туман бюджетида шаклланган қўшимча манбалардан фойдаланиш ҳақида қарорлар Халқ депутатлари туман Кенгаши томонидан, туман ҳокимлиги таклифларига асосан, биринчи навбатда ижтимоий соҳа ташкилотларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш мақсадида қабул қилиниши таъкидлаб

ўтилсин.

13.Элликқалъа тумани ҳокимлиги (С.Авезов), туман молия бўлими (М.Розумов) тегишли бюджетни биринчи навбатда иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлар, озиқ-овқат ва дори-дармон ва коммунал хизматлар харажатларининг режалаштирилишини назарда тутган ҳолда шакллантирсин.

Бунда, кўрсатиб ўтилган харажат турларига тўғри маблағ ажратилганлиги ва тақсимланганлигига маблағ тақсимловчиларнинг жавобгарлиги оширилсин.

Туман маҳаллий бюджетининг қўшимча даромадларини 30 фоизидан кам бўлмаган (ортиқ бўлиши мумкин) миқдорларда жамоатчилик фикри асосида белгиланган тадбирларни молиялаштиришга йўналтиришни, веб-сайтларга уларнинг натижаларини жойлаштиришни таъминласин.

14.Туман молия бўлими (М.Розумов) ва туман Солиқ инспексияси (Н.Абаев) бюджет даромадлари ва харажатлари кўрсаткичларининг бажарилишини таъминлаш, солиқ базасини кенгайтириш ҳамда иқтисодий салоҳиятини ошириш юзасидан зарур чора-тадбирлар кўриш, бюджет маблағларидан мақсадли ва самарали фойдаланиши устидан қатъий назоратни ўрнатиш чораларини кўрсин.

15. Ушбу қарор ижросини назорат қилиш ва унинг бажарилишини доимий комиссия йиғилишларида муҳокама қилиб бориш вазифаси Халқ депутатлари туман Кенгашининг Маҳаллий бюджет, иқтисодий ислохатларини амалга ошириш, инвестициялар ва тадбиркорликни ривожлантириш масалалари бўйича доимий комиссияси раиси С.Алимов зиммасига юклансин.

16. Туман ҳокимлигининг ахборот хизмати раҳбари Т.Нуримовага мазкур қарорни туман ҳокимлигининг расмий веб-сайтига жойлаштириш ва оммавий ахборот воситаларида эълон қилиш вазифаси юклансин.

17. Ушбу қарор қабул қилинган кундан кучга киради.

Kengash raisi **Avezov S. S.**

Халқ депутатлари Элликқалъа
туман Кенгашининг
2021 йил 30 декабрдаги
VI-35-76-13-194-K/21-сон қарорига
1-илова

2022 йил учун Элликқалъа тумани маҳаллий бюджетининг даромадлари прогнози кўрсаткичлари

минг сўм

Т/Р	Даромад турлари	Жами
I	**ЖАМИ СОЛИҚ ВА ЙИҒИМЛАР**	**39 798 000**
1	Юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи	
2	Корхоналар айланмасидан солиқ	5 573 000
3	Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи (ИТД)	750 000
4	Тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи жисмоний ва юридик шахсларнинг қатъий белгиланган солиқ	
5	Қўшилган қиймат солиғи	
6	Акциз солиғи, жами	
	шундан	
	- ароқ	
	- бензин, дизел ёқилғиси ва газ реализациясидан акциз солиғи	
7	Юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ	1 582 000
8	Жисмоний шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ	2 880 000
9	Юридик шахсларнинг ер солиғи	4 960 000
10	Жисмоний шахслардан олинадиган ер солиғи	22 000 000
11	Ер ости бойликларидан фойдаланганлик учун солиқ норуда	106 000
12	Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ	1 947 000
13	Давлат божи	
14	Жарималар	
15	Давлат мулки бўйича ижара тўловлари	
16	Давлат улуши корхоналарининг соф фойдасидан	
II	**Ўтказиб бериладиган даромадлар**	**26 239 000**
1	Алкоголь маҳсулотлари, шу жумладан пиво	9 931 000
2	Мобиль алоқа хизмати	5 658 000
3	Тамаки маҳсулотлари	10 650 000
III	**Тартибга солувчи бюджетлараро трансфертлар**	**85 009 842**

ЖАМИ МАҲАЛЛИЙ БЮДЖЕТ ДАРОМАДЛАРИ	**66 037 000**
ЖАМИ ДАРОМАДЛАР	**151 046 842**

Халқ депутатлари Элликқалъа
туман Кенгашининг
2021 йил 30 декабрдаги
VI-35-76-13-194-K/21-сон қарорига
2-илова

2022 йил учун Элликқалъа тумани маҳаллий бюджетидан бюджет маблағларини тақсимловчиларга ажратиладиган харажатларнинг умумий чекланган миқдорлари тўғрисида

МАЪЛУМОТ

минг сўм

№	Кўрсаткичлар	2022 йил
	ХАРАЖАТЛАР-ЖАМИ	**151 046 842**
1	**ИЖТИМОИЙ СОҲА ВА АҲОЛИНИ ИЖТИМОИЙ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ХАРАЖАТЛАРИ-ЖАМИ**	**126 231 222**
	шу жумладан	
1.1	Маориф	15 015 389
	-мактабгача таълим	8 172 438
	-умумий таълим	6 842 950
	-кадрлар тайёрлаш	
1.2	Соғлиқни сақлаш	57 704 851
1.3	Маданият ва спорт, оммавий ахборот воситалари	2 613 084
	-маданият ва оммавий ахборот воситалари	1 065 190
	-спорт	1 547 894
1.4	Фан	
1.5	Болали оилаларга ва кам таъминланган оилаларга нафақалар ва компенсациялар	50 821 185
1.6	Ижтимоий кўникма марказлари	76 713
2	**ИҚТИСОДИЁТ ХАРАЖАТЛАРИ**	**11 659 696**
	шу жумладан	
2.1	Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ташкилотлари	
2.2	Фермерлар хўжаликлари бухгалтерия марказлари	738 298
2.3	Ободонлаштириш	6 360 098
2.4	Сув хўжалиги вазирлиги ташкилотлари	3 566 365
2.5	Ветеринария қўмитаси	994 935
3	**МАРКАЗЛАШТИРИЛГАН ИНВЕСТИЦИЯЛАРНИ МОЛИЯЛАШТИРИШ ХАРАЖАТЛАРИ**	
4	**ДАВЛАТ БОШҚАРУВ ОРГАНЛАРИНИ САҚЛАШ ХАРАЖАТЛАРИ**	**6 372 633**
	шу жумладан	
4.1	Давлат ҳокимияти органлари	
4.2	Давлат бошқарув идоралари	6 372 633
5	**ФУҚАРОЛАРНИ ЎЗИНИ ЎЗИ БОШҚАРИШ ОРГАНЛАРИНИ САҚЛАШ**	**5 287 927**
6	**ЗАҲИРА ЖАМҒАРМАСИ**	**1 495 364**

7	**БОШҚА ХАРАЖАТЛАР**	
	шу жумладан	
7.1	Маҳаллий бюджетдан молиялаштириладиган бошқа муассасалар ва тадбирлар	
	ЖАМИ ДАРОМАДЛАР	**66 037 000**
	ТРАНСФЕРТ	**85 009 842**

Халқ депутатлари Элликқалъа туман Кенгашининг
2021 йил 30 декабрдаги
VI-35-76-13-194-K/21-сон қарорига
3-илова

Умумдавлат солиқларидан Элликқалъа туман маҳаллий бюджетига ажратмалар меъёрлари

Фоиз ҳисобида

№	Туман	Айланма маблағлардан олинадиган солиқ	Тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи юридик ва жисмоний шахслардан олинадиган қатъий белгиланган даромад солиғи	Юридик шахсларнинг мол-мулк солиғи	Юридик шахсларнинг ер солиғи	Жисмоний шахсларнинг мол-мулк солиғи	Жисмоний шахсларнинг ер солиғи	Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ	Қурилиш материаллари бўйича ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ
1	Элликқалъа тумани	100	100	100	100	100	100	100	100

Халқ депутатлари Элликқалъа
туман Кенгашининг
2021 йил 30 декабрдаги
VI-35-76-13-194-K/21-сон қарорига
4-илова

Қорақалпоғистон Республикаси бюджетидан туман маҳаллий бюджетига ажратиладиган тартибга солувчи бюджетлараро трансфертлар миқдорлари

минг сўм

№	Шаҳар ва туманлар	Тартибга солувчи трансфертлар
1	Элликқалъа тумани	85 009 842

Халқ депутатлари Элликқалъа
туман Кенгашининг
2021 йил 30 декабрдаги
VI-35-76-13-194-K/21-сон қарорига
5-илова

Элликқалъа тумани маҳаллий бюджетининг захира жамғармаси

минг сўм

Т/р	Туман номи	Захира жамғармаси
1	**Элликқалъа тумани**	**1 495 364**

Халқ депутатлари Элликқалъа
туман Кенгашининг
2021 йил 30 декабрдаги
VI-35-76-13-194-К/21-сон қарорига
6-илова

Элликқалъа тумани маҳаллий бюджетида йўл қўйиладиган энг кам маблағлар миқдори

минг сўм

Т/р	Туман номи	Миқдори
1	**Элликқалъа тумани**	**1 065 000**

Халқ депутатлари Элликқалъа
туман Кенгашининг
2021 йил 30 декабрдаги
VI-35-76-13-194-K/21-сон қарорига
7-илова

2022 йил учун Элликқалъа тумани маҳаллий бюджетининг даромадлари ва харажатлари прогнозлари

минг сўм

№	Шаҳар ва туманлар	Даромадлар	Харажатлар
1	Элликқалъа тумани	66 037 000	151 046 842
	Жами	66 037 000	151 046 842